

**“Шаргункўмир” акциядорлик жамияти
тафтиш комиссиясининг хулосаси**

“ _____ ” _____ 2022 йил

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси:

Шакиров Азамат Аскаралиевич - раис

Юлдашов Жалолоддин Ярашевич - аъзо

Абдухакимова Нозима Равшановна - аъзо

Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари қуйидаги кўринишда бўлган:

т\р	Кўрсаткичлар номи	2020й.	2021 й.	Минг,сўм
				-/+ фарки
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	70 083 267	102 298 776	32 215 509
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннарни	53 010 115	57 909 066	4 898 951
3.	Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда	17 073 152	44 389 710	27 316 558
4.	Дебиторлик қарзлари	7 471 115	13 735 598	6 264 483
5.	Кредиторлик қарзлари	54 263 783	84 348 348	30 084 565
6.	Давр харажатлари	23 801 335	41 875 297	18 073 962
7.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	7 198 463	4 241 875	-2 956 588
8.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	470 280	6 756 288	6 286 008
9.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	261 406	522 089	260 683
10.	Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	208 874	6 234 199	6 025 325
11.	Фойда солиғи	155 874	938 186	782 312
12.	Ҳисобот давридаги соф фойда	53 000	5 296 013	5 243 013

2021 йилда 332,0 минг тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 258 минг тонна кўмир ишлаб чиқарилди. Бизнес режага нисбатан 78 фоизга бажарилган, 2020 йилга нисбатан эса 4,6 фоизга ўсган.

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилганда 2020 йил якуни бўйича дебитор қарзлари 7 471 115 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йил якуни бўйича 13 735 598 минг сўмни ташкил этган. Дебиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 6 264 483 минг сўмга кўпайган.

Кредитор қарзлари 2020 йил якуни 54 263 783 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йил якуни бўйича 84 348 348 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 30 084 565 минг сўмга кўпайган.

Жамиятнинг 2021 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойдаси 44 389 710 минг сўмни ташкил этган ва бу аввалги йилга нисбатан 27 316 558 минг сўмга кўп демакдир. Корхонанинг 2021 йил якуни бўйича фойда солиғи тўлагунга қадар фойдаси 6 234 199 минг сўмни ташкил этган. 938 186 минг сўм миқдорда фойда солиғи тўланган. Натижада жамиятнинг 2021 йил якунига кўра олган соф фойдаси 5 296 013 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилда тузилган шартномаларнинг умумий сони 948 та бўлиб, улардан 149 таси тўғридан-тўғри тузилган. Қолган 111 та шартнома кўргазма-ярмарка савдо майдончаси орқали тузилганлиги маълум бўлди (баъзи шартномалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига зид равишда тузилган), шунингдек 688 та шартнома эса электрон платформа орқали тузилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 83-моддасига мувофиқ, Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари микдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

2021 йил давомида йирик битимлар тузилмаган, шунингдек аффилиланган шахслар билан ҳўжалик фаолияти учун иловага мувофиқ 25 та битимлар имзоланган.

Тафтиш комиссияси раиси:



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари:



Ж.Я. Юлдашов



Н.Р. Абдухакимова